

الشيخ اثير الدين الابهري

ايساغوجى

رسالة في المنطق

ИСОҒУЖИЙ

(Мантйқ илми тўғрисидаги рисола)

Араб тилидан

Андижон “Саййид Мухйиддин махдум”

ўрта махсус ислом билим юрти

мударриси Рустамжон МАҲМУДОВ

таржимаси

Андижон

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор

Бўлур ҳар қайсиси вақтида даркор

Мантиқ илми

Дарҳақиқат, инсон дунёга бир бор келар экан, албатта, асосий сабоқни ҳаётдан олади. Устоз нечоғлик билимдон бўлмасин, шогирднинг ҳаётий тажрибаси бўлмаса, тўлиқ ва мукаммал илмга эга бўлолмайди. Ҳаётда яхши бор, ёмон бор, тили ширин бор, тили заҳар бор. «Одобни одобсиздан ўрган», дейилганидек, ёмонларга қараб туриб, ўзимизга хулоса чиқарамиз. Яхшилик, эзгуликнинг боши эса тилдир. «Яхши сўзга илон ҳам инидан чиқар», «Яхши сўз жон озиғи», «Бир чимдим туз билан таъм кирар ошга, бир оғиз гап билан ғам тушар бошга», «Тиғнинг жароҳати тузалур, тилники эса тузалмас», «Ширин ошинг бўлгунча, ширин сўзинг бўлсин», «Ширин сўз ҳам садоқатдир», деган мақолу-маталлар нутқнинг кўрки бўлиши билан бирга инсонни ширин сўз бўлишга ундайди. Дилозор, қўпол, тили заҳар одамдан ҳамма безор. Ширинсухан, мулойим, чиройли гапирадиган одамни ҳамма ҳурмат қилади. Унинг сўзларига, йўлларига муштоқ бўлади, чунки бир оғиз ширин сўз инсонни кўнглини обод ва шод қилиши, қайта жон бағишлаши мумкин.

Сўздирки, нишон берур ўлиқка жондин,
Сўздирки, берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

«Мантиқ, нутқ маданияти» фани талабаларни нутқ маданиятига эришишига, яъни равон ва маъноли сўзлашга, кўп ўйлаб, оз ва соз гапиришга, маъноли гапларга эътибор беришга, муомалада, маърузаларда, йиғинларда

қандай сўзлашга, ширинсухан, юмшоқ сўзли комил инсон бўлишларига ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Исоғужий

قَالَ الشَّيْخُ الْإِمَامُ الْعَلَمَاءُ أَفْضَلُ الْعُلَمَاءِ الْمُتَأَخَّرِينَ قُدْوَةُ الْحُكَمَاءِ الرَّاسِخِينَ أَثَرُ الدِّينِ الْبَاهِرِ طَيِّبَ اللَّهُ تَرَاهُ وَجَعَلَ الْجَنَّةَ مَثْوَاهُ.

Шайх, имом, аллома, мутааххир уламоларнинг афзали, билимдон ҳакимларнинг пешвоси Асируддин Абҳарий айтадилар. Аллоҳ таоло у зотнинг ётган жойини хушбўй ва роҳат-фароғат маскани қилиб, жойларини жаннатда қилсин!

نَحْمَدُ اللَّهَ عَلَى تَوْفِيقِهِ وَنَسْأَلُهُ هِدَايَةَ طَرِيقِهِ وَالْهَامَ الْحَقَّ بِتَحْقِيقِهِ

Аллоҳга бизга берган тавфиқи учун ҳамд айтамиз, бизни ўз йўлига ҳидоят қилишини ва Ўзининг таҳқиқи билан қалбимизга ҳақни илҳом қилишини сўраймиз.

وَنُصَلِّي عَلَى مُحَمَّدٍ وَآلِهِ وَعِزَّتِهِ.

Ва Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга, аҳли оилаларига ва хеш-ақраболарига саловат ва саломлар айтамиз.

أَمَّا بَعْدُ فَهَذِهِ رِسَالَةٌ فِي الْمَنْطِقِ¹، أَوْرَدْنَا فِيهَا مَا يَجِبُ اسْتِحْضَارُهُ لِمَنْ يَبْتَدَأُ شَيْئًا مِنَ الْعُلُومِ مُسْتَعِينًا بِاللَّهِ، أَنَّهُ مُفِضٌ الْخَيْرِ وَالْجُودِ.

Бисмиллаҳ ва ҳамду санодан кейин айтаманки, бу мантиқ илмига оид рисоладир. Биз бу рисолада Аллоҳдан ёрдам сўраган ҳолда илм олишни бошлаётган толиблар билиши вожиб бўлган нарсаларни келтирдик. Албатта Аллоҳ яхшилиги ва саховатини тўкувчи Зотдир.

¹ Мантиқ сўзи луғатда: “Сўз, калима” маъноларини англатади. Мантиқ илми яна логика ҳам дейилади. Логика сўзи Грекча сўз бўлиб, “сўз, фикр, ақл” маъноларини англатади. Мантиқ сўзи истилоҳда эса, “Унинг воситаси билан тўғри фикрни нотўғри фикрдан ажратадиган қоидалар”га айтилади.

Бу **Ийсоғужий** баҳсидир.

*Лафзнинг маънога далолат қилиши уч хил бўлади*³:

1. Мутобиқий далолат.
2. Тазаммуний далолат.
3. Илтизомий далолат.

اللفظ الدال بالوضع على تمام ما وضع له بالمطابقة

Лафз вазъ (бир нарсага ном қилиб қўйилиши) билан мавзуъун лаҳ (ўша номланиш)ни тамоми (ҳаммаси)га далолат қилиши мутобақа (тўлиқлиги) билан далолат қилувчидир.

وعلى جزئه بالتضمن ان كان له جزء

Лафз агар унинг жузъи (бўлаги) бўлса, мавзуъун лаҳнинг бир жузъига далолат қилиши эса, тазаммун (ўз ичига олиш) билан далолат қилувчидир.

وعلى ما يلزمه فى الزهن بالالتزام

Лафз зехнда лозим тутадиган нарсага далолат қилиши эса, илтизом (лозим тутиш) билан далолат қилувчидир.

كالتاسان فانه يدل على الحيوان الناطق بالمطابقة وعلى أحدهما بالتضمن وقابل العلم وصنعة

الكتابة بالالتزام.

Мисол: Инсон лафзига ўхшаш. Чунки, инсон лафзи ҳайвони нотик⁴ (сўзловчи жонзот)га мутобақа (тенглаштирилган, тўлиқ) билан далолат қилади. Иккаласидан бири (ҳайвон ёки нотиклик)га тазаммун (ўз ичига олиш) билан

² **Ийсоғужий** сўзи Юнонча (Грекча) сўз бўлиб, маъноси ҳақида ихтилофлар бор. Баъзилар: “Бешта барги бор атиргулдир”, деганлар. Яъни куллиялар бештадир. 1.Жинс 2.Нав 3.Фасл 4.Хосса 5.Арази ом. Аввалги учтаси зотий ва охириги иккитаси аразийдир. Ва баъзилар эса: “Сен, мен, у” маъносида деганлар.

³ Бу рисолада ушбу жумла каби (курсив) шаклида ёзилган матнлар “**Ийсоғужий**” китобининг шарҳлари ва мантикка оид китоблардан таржима қилинган.

⁴ “Ҳайвони нотик” сўзининг маъноси “сўзловчи жонзот”дир. Кейинги ўринларда “ҳайвони нотик” дейилади.

далолат қилади. Унинг илмга ва ёзиш-чизишга қобилияти борлигига эса, илтизом (бирор нарсани ўзи учун лозим деб ҳисобламоқ) билан далолат қилади.

Лафз муфрад ва мураккабга бўлинади.

ثُمَّ اللَّفْظُ إمَّا مُفْرَدٌ وَهُوَ الَّذِي لَا يُرَادُ بِالْجُزْءِ مِنْهُ دَلَالَةٌ عَلَى جُزْءٍ مَعْنَاهُ كَالْإِنْسَانِ

Муфрад лафз - унинг бир жузъи маъносининг бир жузъига далолат қилиши ирода қилинмайдиган калимадир. Мисол: Инсон лафзига ўхшаш. Чунки, инсон лафзининг бир жузъи (яъни ин ёки сон сўзлари) маъносининг бир жузъига далолат қилмайди. Яъни бир “инсон” деган исм аниқ бир маънога далолат қилади.

وَأَمَّا مُؤَلَّفٌ وَهُوَ الَّذِي لَا يَكُونُ كَذَلِكَ كَقَوْلِكَ رَامِيَ الْحِجَارَةِ.

Мураккаб лафз – ундай бўлмайди, яъни лафзнинг бир жузъи маъносининг бир жузъига далолат қилади. Мисол: Тош отувчи маъносидаги “ромил ҳижарох”дир. Бас, унинг бир жузъи “ромий”нинг ўзи алоҳида бир маънога, “ҳижарох” эса, яна бошқа бир маънога далолат қилади.

Муфрад лафз муфради куллий ва муфради жузъийга бўлинади.

فَالْمُفْرَدُ إمَّا كُلِّيٌّ وَهُوَ الَّذِي لَا يَمْنَعُ نَفْسُ تَصَوُّرٍ مَفْهُومِهِ عَنْ وَقُوعِ الشَّرَكَةِ فِيهِ كَالْإِنْسَانِ.

Муфради куллий – мафҳуми (маъноси)ни тасаввур қилиш ўзи унда шериклик воқеъ бўлишидан ман қилмайдиган калимадир. Мисол: Инсон лафзидир. Зайд, Амр, Бакр ва ундан бошқаларни ҳам инсон деса бўлади.

وَأَمَّا جُزْئِيٌّ وَهُوَ الَّذِي يَمْنَعُ نَفْسُ تَصَوُّرٍ مَفْهُومِهِ عَنْ وَقُوعِ الشَّرَكَةِ فِيهِ كَرَبِّدٍ.

Муфради жузъий – мафҳумини тасаввур қилиш ўзи унда шериклик воқеъ бўлишидан ман қиладиган калимадир. Зайд сўзига ўхшаш. Чунки, Зайд деганда фақатгина бир киши ҳаёлга келади.

Куллий ҳам иккига бўлинади. Биринчиси зотий ва иккинчиси аразийдир.

وَالْكُلِّيُّ إمَّا ذَاتِيٌّ وَهُوَ الَّذِي يَدْخُلُ تَحْتَ حَقِيقَةِ حُزْنِيَّاتِهِ كَالْحَيَوَانِ بِالنِّسْبَةِ إِلَى الْإِنْسَانِ وَالْفَرَسِ.

1. Зотий - ўз жузларининг ҳақиқати остига кирадиган калимадир. Мисол: Инсон ва отга нисбатан ҳайвон (тирик жонзот) дейишга ўхшаш. *Чунки, ҳайвонинг жузъи инсон ва отдир. Ҳайвон куллий (умумий) сўз бўлса-да, ўзининг – инсон, от, сигир каби – жузлари остига ҳам кираверади.*

وَأَمَّا عَرَضِيٌّ وَهُوَ الَّذِي بِخِلَافِهِ كَالضَّاحِكِ بِالنَّسَبَةِ إِلَى الْإِنْسَانِ.

2. Аразий – зотийнинг аксидир, яъни ўз жузларининг ҳақиқати остига кирмайдиган калимадир. Мисол: Инсонга нисбатан “зоҳик”⁵ (кулувчи) дейишга ўхшаш. *Чунки, инсоннинг ҳақиқати ҳайвони нотиқдир. Зоҳик эса, инсоннинг ҳақиқатига кирмайди.*

Муфради куллий зотий уч қисмга бўлинади.

وَالذَّاتِيُّ أَمَّا مَقُولٌ فِي جَوَابِ مَا هُوَ بِحَسَبِ الشَّرَكَةِ الْمَحْضَةِ كَالْحَيَوَانِ بِالنَّسَبَةِ إِلَى الْإِنْسَانِ

وَالْفَرَسِ وَهُوَ الْجِنْسُ وَيُرْسَمُ بِأَنَّهُ كُلُّ مَقُولٍ عَلَى كَثِيرِينَ مُخْتَلِفِينَ بِالْحَقَائِقِ فِي جَوَابِ مَا هُوَ.

Биринчиси жинсдир. Зотий “ма-у нима?” саволининг жавобида мутлақ шериклик билан айтилувчидир. Мисол: Инсон ва отга нисбатан ҳайвон дейишга ўхшаш. Чунки, инсон ва отнинг ҳар бири ҳайвонлик жиҳатидан шерикдир ва улар “ма-у нима?”нинг жавобида қўлланилади. Зотийнинг бу биринчи қисми жинс деб аталади. Жинсга: “Ҳақиқатлари турлича бўлган кўп нарсаларга нисбатан “ма-у нима?”нинг жавобида айтилувчи куллийдир”, деб таъриф берилади.

وَأَمَّا مَقُولٌ فِي جَوَابِ مَا هُوَ بِحَسَبِ الشَّرَكَةِ وَالْخُصُوصِيَّةِ مَعًا كَالْإِنْسَانِ بِالنَّسَبَةِ إِلَى زَيْدٍ وَعَمْرٍو

وْغَيْرِهِمَا وَهُوَ النَّوْعُ وَيُرْسَمُ بِأَنَّهُ كُلُّ مَقُولٍ عَلَى كَثِيرِينَ مُخْتَلِفِينَ بِالْعَدَدِ دُونَ الْحَقِيقَةِ فِي جَوَابِ مَا هُوَ.

Иккинчиси наводир. Зотий биргаликда шериклик ва хос бўлишлик жиҳатидан “ма-у нима?”нинг жавобида айтилувчидир. Мисол: Зайд ва Амр

⁵ “Зоҳик” сўзининг маъноси “кулувчи”дир. Кейинги ўринларда “зоҳик” дейилади.

каби шахсларга нисбатан инсон дейишга ўхшаш. (Чунки, инсон деганда бу сўзда барча одамларнинг шериклиги ва уларни ҳайвонлар ичидан ажратилганлиги тушунилади ҳамда у “مَا هُوَ”нинг жавобида айтилувчидир.) Зотийнинг бу иккинчи қисми нав деб аталади. Навга: “Ҳақиқатда эмас, балки, ададда турлича бўлган кўп нарсаларга нисбатан “مَا هُوَ”нинг жавобида айтилувчи куллийдир”, деб таъриф берилади.

وَأَمَّا غَيْرُ مَقُولٍ فِي جَوَابِ مَا هُوَ بَلْ مَقُولٌ فِي جَوَابِ أَيُّ شَيْءٍ هُوَ فِي ذَاتِهِ وَهُوَ الَّذِي يُمَيِّزُ الشَّيْءَ عَمَّا يُشَارِكُهُ فِي الْجِنْسِ كَالنَّاطِقِ بِالنَّسَبِ إِلَى الْإِنْسَانِ وَهُوَ الْفَصْلُ وَيُرْسَمُ بِأَنَّهُ كُلُّهُ يُقَالُ عَلَى الشَّيْءِ فِي جَوَابِ أَيُّ شَيْءٍ هُوَ فِي ذَاتِهِ.

Учинчиси фаслдир. Зотий “مَا هُوَ”нинг жавобида айтилувчи эмас, балки, “مَا هُوَ-зотан у нима?” саволининг жавобида айтилувчидир. У бир нарсани жинсда унга шерик бўладиган нарсадан ажратадиган калимадир. Инсонга нисбатан нотик дейишга ўхшаш. (Яъни инсон ва от ҳайвонлик жинсида шерик эди. Нотик деб айтиш билан инсонни ажратиб олинмоқда.) Зотийни бу қисми фасл деб аталади. Фаслга: “Бир нарсага “مَا هُوَ-зотан у нима?” саволининг жавобида айтиладиган куллийдир”, деб таъриф берилади.

Аразий ҳам икки қисмга бўлинади: Арази лозим ва арази муфориқ.

وَأَمَّا الْعَرَضِيُّ فَهُوَ أَمَّا أَنْ يَمْتَنِعَ إِنْكَارُهُ عَنِ الْمَاهِيَةِ وَهُوَ الْعَرَضُ اللَّازِمُ.

Биринчиси арази лозимдир. Аразий ё унинг моҳиятдан ажралиб кетиши мумкин бўлмаслигидир. Бу арази лозимдир. (Мисол: Инсонга нисбатан “الضَّاحِكُ” кулувчилик хусусиятига эга” деганга ўхшаш. Чунки, инсонда кулувчилик хусусияти бор ва бу унинг моҳиятида ажраши мумкин эмас.)

أَوْ لَا يَمْتَنِعُ وَهُوَ الْعَرَضُ الْمُفَارِقُ.

Иккинчиси арази муфориқдир. Ёки аразий моҳиятдан ажралиб кетиши ман бўлмаслигидир, яъни мумкин бўлаверади. Бу арази муфориқдир. (Мисол:

Инсонга нисбатан “الضَّاحِكُ بِالْفِعْلِ-амалда кулиб турувчидир” деганга ўхшаши. Чунки, инсон феълий (воқеъликда доимо) кулиб туриши унинг моҳиятида доимий ва ажралмас сифат эмас, балки, бу сифат инсон кулгандагина ҳосил бўлади.)

وَكُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا إِمَّا أَنْ يَخْتَصَّ بِحَقِيقَةٍ وَاحِدَةٍ وَهُوَ الْخَاصَّةُ كَالضَّاحِكِ بِالْقُوَّةِ أَوْ بِالْفِعْلِ لِلإِنْسَانِ وَيُرْسَمُ بِأَنَّهَا كَلِّيَّةٌ يُقَالُ عَلَى مَا تَحْتَ حَقِيقَةٍ وَاحِدَةٍ فَقَطْ قَوْلًا عَرَضِيًّا.

Арази лозим ва арази муфориқларнинг ҳар бири иккига: хос ва омга бўлинади:

1. *Хос* - битта ҳақиқатга хос бўлган аразга айтилади. Масалан: “الضَّاحِكُ بِالْقُوَّةِ-кулувчилик хусусиятига эга” бу хос арази лозимга мисол ва “الضَّاحِكُ بِالْفِعْلِ-амалда кулиб турувчидир” бу хос арази муфориққа мисолдир. Хос: “Албатта, у фактгина битта ҳақиқатнинг тагидаги нарсага аразий сўзда айтиладиган куллийдир”, деб таъриф берилади.

وَأَمَّا أَنْ يَعْصِمَ حَقَائِقَ فَوْقَ وَاحِدَةٍ وَهُوَ الْعَرَضُ الْعَامُّ كَالْمُتَنَفِّسِ بِالْقُوَّةِ أَوْ بِالْفِعْلِ لِلإِنْسَانِ وَغَيْرِهِ مِنَ الْحَيَوَانَاتِ وَيُرْسَمُ بِأَنَّهُ كَلِّيٌّ يُقَالُ عَلَى مَا تَحْتَ حَقَائِقَ مُخْتَلِفَةٍ قَوْلًا عَرَضِيًّا.

2. *Ом* - биттадан юқори ҳақиқатларни умумий ўз ичига олган аразга айтилади. Масалан: “الْمُتَنَفِّسُ بِالْقُوَّةِ-нафас олувчилик хусусиятига эга” бу ом арази лозимга мисол ва “الْمُتَنَفِّسُ بِالْفِعْلِ-амалда нафас олувчи” бу ом арази муфориққа мисол. Арази ом: “Албатта, у турлича ҳақиқатларнинг тагидаги нарсага аразий сўзда айтиладиган куллийдир”, деб таъриф берилади.

الْقَوْلُ الشَّارِحُ الْحَدُّ قَوْلٌ دَالٌّ عَلَى مَا هِيَ الشَّيْءُ

Шарҳловчи сўз. Ҳад - бир нарсани моҳиятига далолат қиладиган сўздир.

Шарҳлаш икки қисмдир: *Ҳад ва расм.* Бу иккаласидан ҳар бири иккига бўлинади: *Ҳадди том ва ҳадди ноқис ҳамда расми том ва расми ноқис.*

وَهُوَ الَّذِي يَتَرَكَّبُ عَنْ جِنْسِ الشَّيْءِ وَفَصْلِهِ الْقَرِيبَيْنِ كَالْحَيَوَانِ النَّاطِقِ بِالنَّسْبَةِ إِلَى الْإِنْسَانِ وَهُوَ
الْحَدُّ الثَّامُّ.

Ҳадди том - у бир нарсанинг жинсидан ва икки яқин фаслидан таркиб топади. Масалан: Инсонга нисбатан ҳайвони нотиқ сўзига ўхшаш. *Яъни инсоннинг жинси ҳайвон (тирик жонзот)лигидир, икки яқин фасли эса, ҳайвон ва нотиқлигидир.*

وَالْحَدُّ النَّاقِصُ وَهُوَ الَّذِي يَتَرَكَّبُ عَنْ جِنْسِهِ الْبَعِيدِ وَفَصْلِهِ الْقَرِيبِ كَالْجِسْمِ النَّاطِقِ بِالنَّسْبَةِ إِلَى الْإِنْسَانِ.

Ҳадди ноқис - у бир нарсанинг узоқ жинсидан ва яқин фаслидан таркиб топади. Масалан: Инсонга нисбатан жисми нотиқ сўзига ўхшаш. *Яъни инсоннинг узоқ жинси жисмлигидир, яқин фасли эса, нотиқлигидир.*

وَالرَّسْمُ الثَّامُّ وَهُوَ الَّذِي يَتَرَكَّبُ عَنِ الْجِنْسِ الْقَرِيبِ لِلشَّيْءِ وَخَاصَّتِهِ اللَّازِمَةِ كَالْحَيَوَانِ الصَّاحِكِ فِي تَعْرِيفِ الْإِنْسَانِ.

Расми том - у бир нарсанинг яқин жинсидан ва лозим хоссасидан таркиб топади. Масалан: Инсон таърифида ҳайвони зоҳик сўзига ўхшаш. *Яъни инсоннинг яқин жинси ҳайвонлигидир, лозим хоссаси эса, зоҳиклигидир.*

وَالرَّسْمُ النَّاقِصُ مَا يَتَرَكَّبُ عَنْ عَرَضِيَّاتٍ تَخْتَصُّ جُمْلَتَهَا بِحَقِيقَةٍ وَاحِدَةٍ كَقَوْلِنَا فِي تَعْرِيفِ الْإِنْسَانِ إِنَّهُ مَا شِ عَلَى قَدَمَيْهِ عَرِيضُ الْأَظْفَارِ بَادِي الْبَشَرَةِ الْمُسْتَقِيمُ الْقَامَةِ صَاحِكٌ بِالطَّبْعِ.

Расми ноқис - у мажмуаси битта ҳақиқат билан хосланадиган аразлардан таркиб топади. Бизнинг инсон таърифида: “Икки оёғида юрувчи, тирноқлари кенг, юзи зоҳир, қолати тўғри, табиатан кулувчи”, деган сўзимиздек.

القَضَايَا - боби Қазийялар⁶

القَضِيَّةُ هِيَ قَوْلٌ يَصِحُّ أَنْ يُقَالَ لِقَائِلِهِ إِنَّهُ صَادِقٌ فِيهِ أَوْ كَاذِبٌ.

Қазийя – айтувчисига айтган сўзида ростгўй ёки ёлғончи дейиш дуруст бўладиган сўздир. У икки қисм: ҳамлийя ва шартийя бўлади.

وَهِيَ إِمَّا حَمَلِيَّةٌ كَقَوْلِنَا زَيْدٌ كَاتِبٌ.

Қазийя ё ҳамлийя бўлади. Ҳамлийя – унда бир нарса (сифат)нинг бошқа бир нарсада бор ёки йўқлигига ҳукм қилинади. Мисол: “زَيْدٌ كَاتِبٌ-Зайд ёзувчидир” бу мисолда Зайдда ёзувчилик сифати борлигига ҳукм қилинди. “زَيْدٌ لَيْسَ بِكَاتِبٍ-Зайд ёзувчи эмас” бу мисолда Зайднинг ёзувчилик хусусияти йўқлигига ҳукм қилинди.

وَأَمَّا شَرْطِيَّةٌ مُتَّصِلَةٌ كَقَوْلِنَا إِنْ كَانَتِ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَالنَّهَارُ مَوْجُودٌ.

Ёки шартийя бўлади. Шартийя ҳам икки қисмга бўлинади шартийяи муттасила ва шартийяи мунфасила. 1. Қазийяи шартийяи муттасила – унда икки нисбатнинг ўртасидаги муносабат бўлиши ёки ўша муносабатнинг йўқлигига ҳукм қилинади. Мисол: “إِنْ كَانَتِ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَالنَّهَارُ مَوْجُودٌ-агар куёш чиққан бўлса, демак, кун мавжуддир”. Ушбу мисолда куннинг мавжудлигига қуёшнинг чиқиши боғланмоқда. “لَيْسَ إِنْ كَانَتِ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَاللَّيْلُ مَوْجُودٌ-агар куёш чиққан бўлмаса, демак, тун мавжуддир”. Ушбу мисолда туннинг мавжудлигига қуёшнинг чиқмаганлиги боғланмоқда.

وَأَمَّا شَرْطِيَّةٌ مُنْفَصِلَةٌ كَقَوْلِنَا الْعَدَدُ إِمَّا أَنْ يَكُونَ زَوْجًا أَوْ فَرْدًا.

⁶ قَضِيَّةٌ جَمْعُهَا: قَضَايَا، مَعْنَاهَا: الْحُكْمُ. الْقَضِيَّةُ (فِي الْمَنْطِقِ): قَوْلٌ مُكَوَّنٌ مِنْ مَوْضُوعٍ وَمَحْمُولٍ يَحْتَمِلُ الصِّدْقَ وَالْكَذِبَ لِذَاتِهِ، وَيَصِحُّ أَنْ يَكُونَ مَوْضُوعًا لِلْبَرَهَةِ.

Қазийя – луғатда ҳукм маъносида. Мантиқ илмида эса, айтувчининг айтган сўзининг ўзида рост ва ёлғоннинг эҳтимоли бор бўлган ҳамда бирор нарсани исботлаш учун қўйилган бўлиши дуруст бўладиган мавзун (мубтадо) ва маҳмул (хабар)дан ташкил топган сўзга айтилади.

قَضَايَا - قلبت الياء الأولى همزة لوقوعها بعد ألف (مفاعل) وهي - في المفرد - مدة زائدة؛ فصارت: قضائي، وفتحت الهمزة العارضة للتخفيف، كما في عذاري ومداري؛ فصارت: قضاءي، ثم قلبت الياء ألفاً لتحركها وانفتاح ما قبلها؛ فصارت قضاء؛ فاجتمع شبه

ثلاث ألفات فقلب الهمزة ياء فصارت: قضايا. ينظر: القواعد والتطبيقات 37.

2. Қазийяи шартийяи мунфасила – унда икки нисбатнинг ўртасидаги қарама-қаршилик бўлиши ёки ўша қарама-қаршиликнинг йўқлигига ҳукм қилинади. Мисол: “الْعَدُّ إِمَّا أَنْ يَكُونَ زَوْجًا أَوْ فَرْدًا”-санок жуфт ёки тоқ бўлади”. Бу мисолдаги жуфт ва тоқ бир-бирига қарама-қаршидир. “لَيْسَ إِمَّا أَنْ يَكُونَ الْعَدُّ زَوْجًا أَوْ”-санок жуфт ёки ўртаси тенг бўлинган бўлмаслигидир”. Бу мисолдаги жуфт ва ўртаси тенг бўлиниши бир-бирига қарама-қаршилик эмас, балки, ўртасидаги у (қарама-қаршилик) йўқ.

فَالْجُزْءُ الْأَوَّلُ مِنَ الْحَمَلِيَّةِ يُسَمَّى مَوْضُوعًا وَالثَّانِي مَحْمُولًا وَالْجُزْءُ الْأَوَّلُ مِنَ الشَّرْطِيَّةِ يُسَمَّى مُقَدِّمًا وَالثَّانِي تَالِيًا.

Ҳамлийянинг аввалги жузъи “мавзуъ”⁷ ва иккинчи жузъи “махмул”⁸ деб аталади. Шартийянинг аввалги жузъи “муқаддам”⁹ ва иккинчи жузъи “толий”¹⁰ деб аталади.

Қазийяхам икки қисмга бўлинади: мўжаба ва солиба.

وَالْقَضِيَّةُ إِمَّا مُوجِبَةٌ كَقَوْلِنَا زَيْدٌ كَاتِبٌ.

Қазийяи мўжаба – унда бир нарсанинг бошқа бир нарсага субутига ҳукм қилиниши, яъни бир каломда нафий қилувчи лафзларнинг бири ёки бир нечтаси иштирок этмаса, у калом қазийяи мўжаба дейилади. Мисол: “زَيْدٌ كَاتِبٌ-Зайд ёзувчи”. Бу каломда нафий қилувчи лафз иштирок этмаяпти.

وَأَمَّا سَالِبَةٌ كَقَوْلِنَا زَيْدٌ لَيْسَ بِكَاتِبٍ.

Қазийяи солиба – унда бир нарсанинг бошқа бир нарсага нафийсига ҳукм қилиниши, яъни бир каломда нафий қилувчи лафзларнинг бири ёки бир нечтаси иштирок этса, бу калом қазийяи солиба дейилади. Мисол: “زَيْدٌ لَيْسَ بِكَاتِبٍ-Зайд

⁷ Маъноси: Унинг устига юклаш учун қўйилган. У араб тили қондасида “мубтадо” ва ўзбек тили қондасида “эга” деб аталади.

⁸ У араб тили қондасида “хабар” ва ўзбек тили қондасида “кесим” деб аталади.

⁹ Агарча лафзда кечикиб келса ҳам, табиий ҳолатда доимо зикрда муқаддам бўлгани учун “муқаддам” деб номланди.

¹⁰ Табиий ҳолатда изидан боргани учун “толий-эргашувчи” деб номланди.

ёзувчи эмас”. Бу мисолда нафий қилувчи сўзлардан бири, яъни “لَيْسَ-лайса” бордир.

وَكُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا مَخْصُوصَةٌ كَمَا ذَكَرْنَا.

Иккаласи (ҳамлийя ва шартийя)дан ҳар бири зикр қилганимиздек, махсуса бўлади. Яъни агар қазийя муайян мавзуга ҳукм қилинса, у қазийяи ҳамлийяи махсуса, агар қазийя муайян тақдирга ҳукм қилинса, у қазийяи шартийяи махсуса деб номланади. Мисол: “زَيْدٌ كَاتِبٌ-Зайд ёзувчидир”. Бу мисолда Зайд ёзувчилик билан хосланмоқда. “زَيْدٌ لَيْسَ بِكَاتِبٍ-Зайд ёзувчи эмас”. Бу мисолда Зайд хусусиятида ёзувчилик йўқ. Ушбу икки мисол қазийяи ҳамлийяи махсусага мисолдир. “إِنْ جِئْتَنِي الْيَوْمَ أَكْرَمْتُكَ-агар менинг ҳузуримга бугун келсанг, сени ҳурмат қиламан”. Бу мисолда мухотоб бугун келиши билан хосланмоқда. “لَيْسَ الْبَتَّةَ إِنْ جِئْتَنِي فِي هَذِهِ السَّاعَةِ ضَرَبْتُكَ-агар менинг ҳузуримга фалон соатда албатта келмасанг, сени ураман”. Бу мисолда мухотоб фалон соатда келиши билан хосланмоқда. Ушбу икки мисол қазийяи шартийяи махсусага мисолдир.

وَأَمَّا كُلِّيَّةُ مُسَوَّرَةٍ كَقَوْلِنَا كُلُّ إِنْسَانٍ كَاتِبٌ وَلَا شَيْءَ مِنَ الْإِنْسَانِ بِكَاتِبٍ.

Ё қазийяи куллийяи мусавварадир – қайси бир каломда “كُلُّ” ёки “وَلَا شَيْءَ” каби калималарга ўхшаи куллийяга далолат қиладиган сўзлар иштирок этса, қазийяи куллийяи мусаввара (чегараланган) деб номланади. Мисол: “كُلُّ إِنْسَانٍ كَاتِبٌ-ҳар бир инсон ёзувчидир” “لَا شَيْءَ مِنَ الْإِنْسَانِ بِكَاتِبٍ-ҳеч бир инсон ёзувчи эмас”.

وَأَمَّا جُزْئِيَّةُ مُسَوَّرَةٍ كَقَوْلِنَا بَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ.

Ёки қазийяи жузъийяи мусавварадир – бир каломда “بَعْضُ” лафзига ўхшаи баъзга далолат қиладиган сўзлар иштирок этса, бу калом жуз билан чегараланган каломдир. Мисол: “بَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ-баъзи инсон ёзувчидир” “لَيْسَ بَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ-баъзиси ёзувчи эмас”.

وَأَمَّا مُهْمَلَةٌ كَقَوْلِنَا الْإِنْسَانَ كَاتِبٌ.

Ёки қазиййи (хамлийя ва шартийя) муҳмаладир – “*كُلٌّ*”, “*بَعْضٌ*” ва шунга ўхшаш куллийяга ёки баъзга далолат қиладиган сўзлар иштирок этмаган каломлар қазиййи муҳмала деб аталади. Мисол: “*الْإِنْسَانُ كَاتِبٌ*”-инсон ёзувчидир”.

Бу мисолда кул ва баъз калимасининг иштироки йўқ.

وَالْمُتَّصِلَةُ أَمَّا لِرُؤْيِيَّةٍ كَقَوْلِنَا إِنَّ كَانَتِ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَالنَّهَارُ مَوْجُودٌ، وَأَمَّا اتِّفَاقِيَّةٌ كَقَوْلِنَا إِنَّ كَانَ

الْإِنْسَانُ نَاطِقًا فَالْحِمَارُ نَاهِقٌ.

Қазиййи муттасила иккига бўлинади:

1. Қазиййи муттасилаи лузумийя – унда “муқаддам” “толий”га иллат бўлмоғи билан иллатнинг алоқасига ҳукм қилинмоғидир. Яъни, бир нарсанинг бўлиши бошқа бир нарсанинг бўлишини лозим тутса, бу қазиййи муттасилаи лузумиядир. Мисол: “*إِنَّ كَانَ النَّهَارُ مَوْجُودًا فَالْعَالَمُ مُضِيئٌ*”-агар наҳор бўлса, демак, олам нурлидир”. Бу мисолда қуёшнинг чиқиши наҳор бўлишига иллат (сабаб) бўлмоқда.

2. Қазиййи муттасилаи иттифоқийя - унда “муқаддам” “толий”га иллат бўлмоғи билан иллатнинг алоқасига ҳукм қилинмоғидир. Яъни, бири иккинчисининг бўлишини ҳам, бир-бирига қарама-қарши бўлишини ҳам лозим тутмайди, яъни бир-бирига алоқаси йўқ иккита жумладир. Мисол: “*إِنَّ كَانَ الْإِنْسَانُ نَاطِقًا فَالْحِمَارُ نَاهِقٌ*”-агар инсон нотик бўлса, эшак ҳангровчидир”. Бу мисолда инсоннинг гапириши эшакнинг ҳанграшига иллат (сабаб) бўлмайди.

وَالْمُنْفَصِلَةُ أَمَّا حَقِيقِيَّةٌ كَقَوْلِنَا الْعَدَدُ أَمَّا زَوْجٌ أَوْ فَرْدٌ وَهُوَ مَانِعَةُ الْجَمْعِ وَالْخُلُوعِ مَعًا.

Қазиййи мунфасилаи ё ҳақиқийядир – унда икки жузунинг ўртасида рост ва ёлгон жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилик билан ҳукм қилинади. Мисол: “*الْعَدَدُ أَمَّا زَوْجٌ أَوْ فَرْدٌ*”-санок жуфт ёки тоқдир”. Бу мисолдан кўриниб турибдики, санок учун жуфт ёки тоқ сифатларидан бири қарор топиши лозим. Бу иккала сифат санокда жамлашмайди. Санок бу иккала сифатдан холи бўлиб, бошқа бир

сифатга эга ҳам бўлмайди. Бу маниъатул жам (жамланишини ман қилувчи) ва маниъатул хулув (холилик (бўшаб қолиш)ни ман қилувчи) деб аталади. Ушбу мисол ҳам маниъатул жам ҳам маниъатул хулувга мисолдир.

وَأَمَّا مَانِعَةُ الْجَمْعِ فَقَطْ كَقَوْلِنَا إِمَّا أَنْ يَكُونَ هَذَا الشَّيْءُ حَجَرًا أَوْ شَجَرًا.

Ёки фақатгина маниъатул жамдир. Мисоли: “-бу нарса тош ёки дарахтдир”. Бу мисолда икки жузъининг ўртасида фақатгина рост жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилик билан ҳукм қилинмоқда.

وَأَمَّا مَانِعَةُ الْخُلُوفِ فَقَطْ كَقَوْلِنَا إِمَّا أَنْ يَكُونَ زَيْدٌ فِي الْبَحْرِ وَأَمَّا أَنْ لَا يَغْرَقَ.

Ёки фақатгина маниъатул хулувдир. Мисоли: “-Имّا аَنْ يَكُونَ زَيْدٌ فِي الْبَحْرِ وَأَمّا اَنْ لَا يَغْرَقَ-Зайд денгизда бўлишидир ёки чўкмаслигидир”. Бу мисолда икки жузъининг ўртасида фақатгина ёлгон жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилик билан ҳукм қилинмоқда.

وَقَدْ يَكُونُ الْمُنْفَصِلَاتُ ذَاتَ أَجْزَاءٍ كَقَوْلِنَا هَذَا الْعَدَدُ إِمَّا زَائِدٌ أَوْ نَاقِصٌ أَوْ مُسَاوٍ.

Гоҳида мунфасилалар, яъни мунфасилаи ҳақиқия, маниъатул жам, маниъатул хулувлар иккитадан юқори бўлган бир неча жузлардан ташкил топади. Мисол: “-бу санок кўп ёки кам ёки тенгдир”. Бу мунфасилаи ҳақиқияга мисолдир. “-هَذَا الشَّيْءُ إِمَّا شَجَرٌ أَوْ حَجَرٌ أَوْ حَيَوَانٌ-бу нарса дарахт ёки тош ёки ҳайвон”. Бу маниъатул жамга мисолдир. “-هَذَا الشَّيْءُ إِمَّا لَا شَجَرٌ أَوْ لَا حَجَرٌ أَوْ لَا حَيَوَانٌ-бу нарса на дарахт, на тош ва на ҳайвон”. Бу маниъатул хулувга мисолдир. Ушбу сураатда мунфасилалар учтадан иборат.

وَالْتَنَاقُضُ وَهُوَ اخْتِلَافُ الْقَضِيَّتَيْنِ بِالْإِيجَابِ وَالسَّلْبِ بِحَيْثُ يَقْتَضِي لِدَاتِهِ أَنْ يَكُونَ أَحَدُهُمَا

صَادِقَةً وَالْأُخْرَى كَاذِبَةً كَقَوْلِنَا زَيْدٌ كَاتِبٌ وَزَيْدٌ لَيْسَ بِكَاتِبٍ.

Таноқуз – қарама-қаршилик. У зотан иккаласининг бири рост иккинчиси ёлгон бўлишини тақозо қилиши жиҳатидан, ийжоб ва салб билан иккита қазийянинг бир-бирига қарама-қаршилигидир. Мисол: “-Зайд ёзувчи” ва

“Зайд ёзувчи эмас”-Зайд ёзувчи эмас”. Бу иккала мисол Зайднинг ўзида бири рост иккинчиси ёлгон бўлишни тақозо қилиш жиҳатидан, ийжоб ва салб билан қарама-қарши бўлган икки қазийядир.

وَلَا يَتَحَقَّقُ ذَلِكَ الْإِخْتِلَافُ فِي الْمَخْصُوصَتَيْنِ إِلَّا بَعْدَ اتِّفَاقِهِمَا فِي الْمَوْضُوعِ وَالْمَحْمُولِ وَالزَّمَانِ وَالْمَكَانِ وَالْإِضَافَةِ وَالْقُوَّةِ وَالْفِعْلِ وَالْجُزْءِ وَالْكُلِّ وَالشَّرْطِ.

Ўша қарама-қаршилик фақатгина иккита махсусанинг мавзуда, маҳмудда, замонда, маконда, изофада, кувватда, феълда, жузда, кулда ва шартда иттифок бўлганидан кейин қарор топади.

فَتَقْيِضُ الْمُوجِبَةُ الْكُلِّيَّةُ إِنَّمَا هِيَ السَّالِبَةُ الْجُزْئِيَّةُ كَقَوْلِنَا كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ وَبَعْضُ الْإِنْسَانِ لَيْسَ بِحَيَوَانٍ.

Мўжабайи куллийянинг нақизи (қарама-қаршилиги), албатта у солибаи жузъийядир. Мисол: “ҳар бир инсон ҳайвондир” ва “بَعْضُ الْإِنْسَانِ لَيْسَ بِحَيَوَانٍ”-баъзи ҳайвон инсон эмас”.

وَتَقْيِضُ السَّالِبَةُ الْكُلِّيَّةُ إِنَّمَا هِيَ الْمُوجِبَةُ الْجُزْئِيَّةُ كَقَوْلِنَا لَا شَيْءَ مِنَ الْإِنْسَانِ بِحَيَوَانٍ وَبَعْضُ الْإِنْسَانِ حَيَوَانٌ.

Солибаи куллийянинг нақизи, албатта у мўжабаи жузъийя ҳисобланади. Мисол: “بَعْضُ الْإِنْسَانِ حَيَوَانٌ”-инсоннинг ҳеч бири ҳайвон эмас” ва “لَا شَيْءَ مِنَ الْإِنْسَانِ بِحَيَوَانٍ”-инсоннинг баъзиси ҳайвон”.

وَالْمَحْصُورَتَانِ لَا يَتَحَقَّقُ التَّنَاقُضُ بَيْنَهُمَا إِلَّا بَعْدَ إِخْتِلَافِهِمَا فِي الْكُلِّيَّةِ وَالْجُزْئِيَّةِ. لِأَنَّ الْكُلِّيَّتَيْنِ قَدْ تَكْذِبَانِ كَقَوْلِنَا كُلُّ إِنْسَانٍ كَاتِبٌ وَلَا شَيْءَ مِنَ الْإِنْسَانِ بِكَاتِبٍ.

Иккита маҳсура, яъни иккита куллийя ва иккита жузъийядир. Ихтилоф иккаласининг ўртасида фақатгина куллия ва жузъиянинг мухталиф бўлганидан кейин қарор топади. Чунки, иккита куллийя гоҳида ёлгон бўлади. Мисол: “كُلُّ

“инсоннинг ҳеч бири *لا شَيْءَ مِنَ الْإِنْسَانِ بِكَاتِبٍ*” ва “ҳар бир инсон *إِنْسَانٍ كَاتِبٌ* ёзувчи эмас”. *Ҳақиқатда ҳам ҳамма инсон ёзувчи бўлиши ва ҳамма инсон ёзувчи бўлмаслиги ёлгон.*

وَالْجُزْئِيَّتَيْنِ قَدْ تَصَدَّقَانِ كَقَوْلِنَا بَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ وَبَعْضُ الْإِنْسَانِ لَيْسَ بِكَاتِبٍ.

Гоҳида иккита жузъийя ҳам тўғри бўлади. Мисол: “баъзи инсон *بَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ*” ва “баъзи инсон *بَعْضُ الْإِنْسَانِ لَيْسَ بِكَاتِبٍ* ёзувчи эмасдир”. *Ҳақиқатда ҳам баъзи инсон ёзувчи бўлиши ва баъзиси ёзувчи бўлмаслиги ҳақиқат.*

وَالْعَكْسُ هُوَ تَصْيِيرُ الْمَوْضُوعِ مَحْمُولًا وَالْمَحْمُولِ مَوْضُوعًا مَعَ بَقَاءِ الْإِيحَابِ وَالسَّلْبِ وَالصِّدْقِ وَالْكَذِبِ بِحَالِهِ.

Акс (тескари) – ийжоб ва салбни, рост ва ёлгонни ўз ҳолича қолиши билан бирга мавзуюни маҳмулга, маҳмулни мавзуюга айлантиришдир.

وَالْمُوجِبَةُ الْكُلِّيَّةُ لَا تَنْعَكِسُ كُلِّيَّةً إِذْ يَصْدُقُ قَوْلُنَا كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ وَلَا يَصْدُقُ كُلُّ حَيَوَانٍ إِنْسَانٌ بَلْ تَنْعَكِسُ جُزْئِيَّةً، لِأَنَّا إِذَا قُلْنَا كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ يَصْدُقُ قَوْلُنَا بَعْضُ الْحَيَوَانِ إِنْسَانٌ فَإِنَّا نَجِدُ الْمَوْضُوعَ مَوْضُوفًا بِالْإِنْسَانِ وَالْحَيَوَانِ فَيَكُونُ بَعْضُ الْحَيَوَانِ إِنْسَانًا.

Мўжабаи куллийя кулийяда тескари бўлмайди. Чунки, “ҳар бир инсон *كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ* ҳайвондир”, дейишимиз тўғри, лекин, “ҳар бир ҳайвон *كُلُّ حَيَوَانٍ إِنْسَانٌ* инсондир”, дейишимиз нотўғридир.

Балки, мўжабаи куллийя жузъийяда тескари бўлади. Чунки биз: “*كُلُّ إِنْسَانٍ* ҳар бир инсон ҳайвондир”, деб айтсак, “баъзи ҳайвон *بَعْضُ الْحَيَوَانِ إِنْسَانٌ* инсондир”, деб айтишимиз тўғри бўлади. Мана шунда биз мавзуюни инсон ва ҳайвон билан сифатланган ҳолда топамиз. Натижа, “баъзи ҳайвон *بَعْضُ الْحَيَوَانِ إِنْسَانًا* инсондир”, бўлади.

وَالْمُوجِبَةُ الْجُزْئِيَّةُ تَنْعَكِسُ جُزْئِيَّةً بِهَذِهِ الْحُجَّةِ أَيْضًا.

Мўжабаи жузъийя бу хужжат билан ҳам жузъийяда тескари бўлади. Мисол: “بَعْضُ الْحَيَوَانِ إِنْسَانٌ وَبَعْضُ الْإِنْسَانِ حَيَوَانٌ”-баъзи ҳайвон инсондир ва баъзи инсон ҳайвондир”.

وَالسَّالِبَةُ الْكُلِّيَّةُ تَنْعَكِسُ كُلِّيَّةٌ وَذَلِكَ بَيْنَ بِنَفْسِهِ فَإِنَّهُ إِذَا صَدَقَ لَا شَيْءٌ مِنَ الْإِنْسَانِ بِحَجَرٍ يَصْدُقُ لَا شَيْءٌ مِنَ الْحَجَرِ بِإِنْسَانٍ.

Солибаи куллийя куллийяда тескари бўлади. Шундай экан бу равшандир. Чунки, “لا شَيْءٌ مِنَ الْإِنْسَانِ بِحَجَرٍ”-инсондан ҳеч бири тош эмас”, деб айтишимиз тўғри бўлса, “لا شَيْءٌ مِنَ الْحَجَرِ بِإِنْسَانٍ”-тошдан ҳеч бири инсон эмас”, деб айтишимиз тўғри бўлади.

وَالسَّالِبَةُ الْجُزْئِيَّةُ لَا تَنْعَكِسُ لَزُومًا لِأَنَّهُ يَصْدُقُ بَعْضُ الْحَيَوَانِ لَيْسَ بِإِنْسَانٍ وَلَا يَصْدُقُ عَكْسُهُ.

Солибаи жузъийя солибаи жузъийяда лозим жиҳатдан (ҳеч қачон) тескари бўлмайди. Чунки, “بَعْضُ الْحَيَوَانِ لَيْسَ بِإِنْسَانٍ”-баъзи ҳайвон инсон эмас”, деб айтишимиз тўғри бўлса, унинг тескариси тўғри бўлмайди.

الْقِيَاسُ قَوْلٌ مُؤَلَّفٌ مِنْ أَقْوَالٍ مَتَى سُلِّمَتْ لَزِمَ مِنْهَا لِذَاتِهِ قَوْلٌ آخَرُ.

Қиёс - икки ёки ундан ортиқ муқаддималардан таркиб топган сўздир. Қачоники, у таслим (рози) қилинса, ўз зоти учун у (муқаддималар)дан бошқа сўз лозим бўлади.

Қиёс икки хил бўлади: Иқтироний ва истисноий.

وَهُوَ إِمَّا إِقْتِرَانِيٌّ كَقَوْلِنَا كُلُّ جِسْمٍ مُرَكَّبٌ وَكُلُّ مُرَكَّبٍ مُحَدَّثٌ فَكُلُّ جِسْمٍ مُحَدَّثٌ.

Иқтироний, яъни ўз ҳолатида натижа ёки нақиз унда зикр қилинган бўлмайди. Мисол: “كُلُّ جِسْمٍ مُرَكَّبٌ وَكُلُّ مُرَكَّبٍ مُحَدَّثٌ”-ҳар бир жисм мураккабдир ва ҳар бир мураккаб пайдо бўлувчидир”, демак, “كُلُّ جِسْمٍ مُحَدَّثٌ”-ҳар бир жисм пайдо бўлувчидир”.

وَأَمَّا اسْتِثْنَائِي كَقَوْلِنَا إِنْ كَانَتْ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَالْتَّهَارُ مَوْجُودٌ لَكِنَّ التَّهَارَ لَيْسَ بِمَوْجُودٍ فَالشَّمْسُ
لَيْسَ بِطَالِعَةٍ.

Истисноий, яъни ўз ҳолатида натижа ёки нақиз унда зикр қилинган бўлади. Мисол: “-агар қуёш чиқувчи бўлса, бас наҳор мавжуддир, лекин, наҳор мавжуд эмас”, демак, “-فالشَّمْسُ لَيْسَ بِطَالِعَةٍ- қуёш чиқувчи эмас”.

وَالْمُكَّرَّرُ بَيْنَ مُقَدِّمَتِي الْقِيَاسِ فَصَاعِدًا يُسَمَّى حَدًّا أَوْسَطَ وَمَوْضُوعُ الْمَطْلُوبِ يُسَمَّى حَدًّا أَصْغَرَ
وَمَحْمُولُهُ يُسَمَّى حَدًّا أَكْبَرَ.

Қиёснинг икки ёки ундан ортиқ муқаддимасининг орасида такрорланувчи сўз “ҳадди авсат”, деб аталади. Матлуб (натижа)нинг мавзуъ (мубтадо)си “ҳадди асғар” ва маҳмули эса, “ҳадди акбар”, деб аталади.

وَالْمُقَدِّمَةُ الَّتِي فِيهَا الْأَصْغَرُ يُسَمَّى الصُّغْرَى وَالَّتِي فِيهَا الْأَكْبَرُ يُسَمَّى الْكُبْرَى. وَهَيْئَةُ التَّالِيفِ مِنَ
الصُّغْرَى وَالْكُبْرَى يُسَمَّى شَكْلًا. وَالْأَشْكَالُ أَرْبَعَةٌ.

Ҳадди асғар иштирок этган муқаддима “суғро” ва ҳадди акбар иштирок этган муқаддима “кубро”, деб аталади. Суғро ва кубродан таркиб топган кўриниш “шакл”, деб аталади. Шакллар тўрттадир.

لِأَنَّ الْحَدَّ الْأَوْسَطَ إِنْ كَانَ مَحْمُولًا فِي الصُّغْرَى وَمَوْضُوعًا فِي الْكُبْرَى فَهُوَ الشَّكْلُ الْأَوَّلُ.

1. Агар ҳадди авсат суғрода маҳмул бўлиб, куброда мавзуъ бўлса, бу биринчи шаклдир. Мисол: “-الْعَالَمُ مُتَغَيِّرٌ وَكُلُّ مُتَغَيِّرٍ مُحْدَثٌ-олам ўзгарувчидир ва ҳар бир ўзгарувчи пайдо бўлувчидир”, демак “-فَالْعَالَمُ مُحْدَثٌ-олам пайдо бўлувчидир”.

وَأِنْ كَانَ مَحْمُولًا فِيهِمَا فَهُوَ الشَّكْلُ الثَّانِي.

2. Агар ҳадди авсат суғрода ҳам куброда ҳам маҳмул бўлса, бу иккинчи шаклдир. Мисол: “كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ وَلَا شَيْءٌ مِنَ الْحَجَرِ بِحَيَوَانٍ”-ҳар бир инсон ҳайвондир ва ҳеч бир тош ҳайвон эмас”, демак “فَلَا شَيْءٌ مِنَ الْحَيَوَانِ بِحَجَرٍ”-ҳеч бир ҳайвон тош эмас”.

وَأِنْ كَانَ مَوْضُوعًا فِيهِمَا فَهُوَ الشَّكْلُ الثَّالِثُ.

3. Агар ҳадди авсат суғрода ҳам куброда ҳам мавзӯ бўлса, бу учинчи шаклдир. Мисол: “كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ وَبَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ”-ҳар бир инсон ҳайвондир ва баъзи инсон ёзувчидир”, демак “فَبَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ”-баъзи инсон ёзувчидир”.

وَأِنْ كَانَ مَوْضُوعًا فِي الصُّغْرَى وَمَحْمُولًا فِي الْكُبْرَى فَهُوَ الشَّكْلُ الرَّابِعُ.

4. Агар ҳадди авсат суғрода мавзӯ бўлиб, куброда маҳмул бўлса, бу тўртинчи шаклдир. Мисол: “كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ وَبَعْضُ الْكَاتِبِ إِنْسَانٌ”-ҳар бир инсон ҳайвондир ва баъзи ёзувчи инсондир”, демак “فَكُلُّ إِنْسَانٍ إِنْسَانٌ”-ҳар бир инсон инсондир”.

وَالثَّانِي يَرْتَدُّ إِلَى الْأَوَّلِ بِعَكْسِ الْكُبْرَى

Иккинчи шакл биринчи шаклга куброни тескари қилиш билан қайтади. Яъни “كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ وَلَا شَيْءٌ مِنَ الْحَجَرِ بِحَيَوَانٍ”-ҳар бир инсон ҳайвондир ва ҳеч бир тош ҳайвон эмас”, демак “فَلَا شَيْءٌ مِنَ الْحَيَوَانِ بِحَجَرٍ”-ҳеч бир ҳайвон тош эмас” ушбу жумла иккинчи шаклга мисол бўлади. Куброни қуйидаги ҳолатдек тескари қилсак, (“كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ وَلَا شَيْءٌ مِنَ الْحَيَوَانِ بِحَجَرٍ”-ҳар бир инсон ҳайвондир ва ҳеч бир ҳайвон тош эмас”) шу ҳолатида биринчи шакл ҳосил бўлди.

وَالثَّالِثُ يَرْتَدُّ إِلَيْهِ بِعَكْسِ الصُّغْرَى

Учинчи шакл биринчи шаклга суғрони тескари қилиш билан қайтади. Яъни “كُلُّ إِنْسَانٍ حَيَوَانٌ وَبَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ”-ҳар бир инсон ҳайвондир ва баъзи инсон ёзувчидир”, ушбу жумла иккинчи шаклга мисол бўлади. Куброни қуйидаги ҳолатдек тескари қилсак, (“كُلُّ حَيَوَانٍ إِنْسَانٌ وَبَعْضُ الْإِنْسَانِ كَاتِبٌ”-ҳар бир ҳайвон инсондир ва баъзи инсон ёзувчидир”) шу ҳолатида биринчи шакл ҳосил бўлди.

وَالرَّابِعُ يَرْتَدُّ إِلَيْهِ بَعْكُسِ التَّرْتِيبِ وَبَعْكُسِ الْمُقَدَّمَتَيْنِ.

Тўртинчи шакл биринчи шаклга тартибни ва икки муқаддимани тескари қилиш билан қайтади. Яъни “*ҳар бир инсон ҳайвондир ва баъзи ёзувчи инсондир*” ушбу жумла иккинчи шаклга мисолдир. Куброни қуйидаги ҳолатдек тескари қилсак, (“*баъзи ёзувчи инсондир ва ҳар бир инсон ҳайвондир*”) шу ҳолатида биринчи шакл ҳосил бўлди.

وَبَدِيهِىُ الْإِنْتَاجُ هُوَ الْأَوَّلُ.

Натижа (қиёс) олишнинг зеҳнга тез келадиган шакли у аввалги шаклдир.

وَالَّذِى لَهُ عَقْلٌ سَلِيمٌ وَطَبْعٌ مُسْتَقِيمٌ لَا يَحْتَاجُ إِلَى رَدِّ الثَّانِىِ إِلَى الْأَوَّلِ.

Ақли саломат ва табиати тўғри кишилар иккинчи шаклни биринчи шаклга қайтариб сўнгра натижа олишга муҳтож бўлмайди.

وَأَمَّا يُنتِجُ الثَّانِى عِنْدَ اخْتِلَافِ مُقَدَّمَتَيْهِ بِالْإِجَابِ وَالسَّلْبِ وَكُلِّيَّةِ الْكُبْرَى.

Албатта иккинчи шакл иккита муқаддима (қазийя)сининг ийжоб ва салб ҳамда кубронинг куллийяси билан мухталиф бўлган пайтда натижа чиқарилади.

وَالشَّكْلُ الْأَوَّلُ هُوَ الَّذِى جُعِلَ مَعْيَارًا لِلْعُلُومِ فَتَوَرَدُ هَهُنَا لِيُجْعَلَ دَسْتُورًا وَمِيزَانًا يُنتِجُ مِنْهُ الْمَطَالِبُ

كُلُّهَا وَشَرْطُ إِنْتَاجِهَا إِجَابُ الصَّغْرَى وَكُلِّيَّةُ الْكُبْرَى وَضَرْوُبُهُ الْمُنْتَجَةُ أَرْبَعَةٌ.

Аввалги шакл илмларнинг меъёри (дастури) қилинди, биз ҳам уни мезон ва дастур (қўлланма) қилиниши учун келтирамиз. Қиёснинг ҳаммаси биринчи шаклдан натижа чиқарилади. Натижа олишнинг шарти суғронинг ийжоб ва кубронинг куллийя бўлишидир ва унинг натижа чиқариладиган турлари тўрттадир.

الضَّرْبُ الْأَوَّلُ كُلُّ جِسْمٍ مُؤَلَّفٍ وَكُلُّ مُؤَلَّفٍ مُحَدَّثٌ فَكُلُّ جِسْمٍ مُحَدَّثٌ.

Биринчи тур: “كُلُّ جِسْمٍ مُؤَلَّفٌ وَكُلُّ مُؤَلَّفٍ مُحَدَّثٌ”-ҳар бир жисм таркиб топувчидир ва ҳар бир таркиб топувчи пайдо бўлувчидир”, демак “كُلُّ جِسْمٍ مُؤَلَّفٌ مُحَدَّثٌ”-ҳар бир жисм пайдо бўлувчидир”.

وَالثَّانِي كُلُّ جِسْمٍ مُؤَلَّفٌ وَلَا شَيْءَ مِنَ الْمُؤَلَّفِ بِقَدِيمٍ فَلَا شَيْءَ مِنَ الْجِسْمِ بِقَدِيمٍ.

Иккинчи тур: “كُلُّ جِسْمٍ مُؤَلَّفٌ وَلَا شَيْءَ مِنَ الْمُؤَلَّفِ بِقَدِيمٍ”-ҳар бир жисм таркиб топувчидир ва ҳеч бир таркиб топувчи қадим эмас”, демак “فَلَا شَيْءَ مِنَ الْجِسْمِ بِقَدِيمٍ”-ҳеч бир жисм қадим эмас”.

وَالثَّالِثُ بَعْضُ الْجِسْمِ مُؤَلَّفٌ وَكُلُّ مُؤَلَّفٍ مُحَدَّثٌ فَبَعْضُ الْجِسْمِ مُحَدَّثٌ.

Учинчи тур: “بَعْضُ الْجِسْمِ مُؤَلَّفٌ وَكُلُّ مُؤَلَّفٍ مُحَدَّثٌ”-баъзи жисм таркиб топувчидир ва ҳар бир таркиб топувчи пайдо бўлувчидир”, демак “بَعْضُ الْجِسْمِ مُحَدَّثٌ”-баъзи жисм пайдо бўлувчидир”.

وَالرَّابِعُ بَعْضُ الْجِسْمِ مُؤَلَّفٌ وَلَا شَيْءَ مِنَ الْمُؤَلَّفِ بِقَدِيمٍ فَبَعْضُ الْجِسْمِ لَيْسَ بِقَدِيمٍ.

Тўртинчи тур: “بَعْضُ الْجِسْمِ مُؤَلَّفٌ وَلَا شَيْءَ مِنَ الْمُؤَلَّفِ بِقَدِيمٍ”-баъзи жисм таркиб топувчидир ва ҳеч бир таркиб топувчи қадим эмас”, демак “بَعْضُ الْجِسْمِ لَيْسَ بِقَدِيمٍ”-баъзи жисм қадим эмасдир”.

Ушбу шаклларнинг ҳар бирида суғро гоҳида куллийя, гоҳида жузъийя бўлса-да, ийжоб бўлмоқда. Кубро эса гоҳида ийжоб, гоҳида салб бўлса-да, куллийя бўлмоқда. Натижа чиқариш учун мана шунинг ўзи кифоядир.

وَالْقِيَاسُ الْإِفْتِرَائِيُّ - Қиёси иқтироний

Қиёси иқтироний 6 қисмга бўлинади:

إِمَّا مِنْ حَمَلِيَّتَيْنِ كَمَا مَرَّ.

1. Иккита ҳамлиядан ташкил топади юқорида ўтганидек. Мисол: “كُلُّ جِسْمٍ”
бир жисм мураккабдир ва ҳар бир мураккаб пайдо бўлувчидир”, демак “كُلُّ جِسْمٍ مُحَدَّثٌ”
демак “كُلُّ جِسْمٍ مُحَدَّثٌ” бир жисм пайдо бўлувчидир”, деб қиёс қилинади.

وَأَمَّا مِنْ مُتَّصِلَيْنِ كَقَوْلِنَا إِنْ كَانَتْ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَالنَّهَارُ مَوْجُودًا
فَالْأَرْضُ مُضِيئَةٌ يُنتَجُ إِنْ كَانَتْ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَالْأَرْضُ مُضِيئَةٌ.

2. Иккита муттасиладан ташкил топади. Мисол: “إِنْ كَانَتْ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَالنَّهَارُ مَوْجُودًا”
агар қуёш чиқувчи бўлса, бас, наҳор мавжуддир, ҳар қачоники, наҳор мавжуд бўлса, бас, ер нурлидир” демак “إِنْ كَانَتْ الشَّمْسُ طَالِعَةً فَالْأَرْضُ مُضِيئَةٌ”
агар қуёш чиқувчи бўлса, бас, ер нурлидир”, деб қиёс қилинади.

وَأَمَّا مِنْ مُنْفَصِلَتَيْنِ كَقَوْلِنَا كُلُّ عَدَدٍ إِمَّا زَوْجٌ أَوْ فَرْدٌ وَكُلُّ زَوْجٍ فَهُوَ إِمَّا زَوْجٌ أَوْ زَوْجُ الْفَرْدِ
يُنتَجُ كُلُّ عَدَدٍ فَهُوَ إِمَّا فَرْدٌ أَوْ زَوْجٌ أَوْ زَوْجُ الْفَرْدِ.

3. Иккита мунфасиладан ташкил топади. Мисол: “كُلُّ عَدَدٍ إِمَّا زَوْجٌ أَوْ فَرْدٌ وَكُلُّ زَوْجٍ فَهُوَ”
ҳар бир санок жуфт ёки тоқдир ва ҳар бир жуфт, бас, у жуфтнинг жуфти ёки тоқнинг жуфтидир” демак “كُلُّ عَدَدٍ فَهُوَ إِمَّا فَرْدٌ أَوْ زَوْجٌ أَوْ زَوْجُ الْفَرْدِ”
ҳар бир санок, бас, у тоқ ёки жуфтнинг жуфти ёки тоқнинг жуфтидир”, деб қиёс қилинади.

وَأَمَّا مِنْ حَمَلِيَّةٍ وَمُتَّصِلَةٍ كَقَوْلِنَا كُلَّمَا كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ حَيَوَانٌ وَكُلُّ حَيَوَانٍ فَهُوَ جِسْمٌ يُنتَجُ
كُلَّمَا كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ جِسْمٌ.

4. Ҳамлиия ва муттасиладан ташкил топади. Мисол: “كُلَّمَا كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ حَيَوَانٌ”
ҳар қачоники, бу инсон бўлса, бас, у хайвондир ва ҳар бир

хайвон жисмдир” демак “كَلَّمَا كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ جِسْمٌ”-ҳар қачоники, бу инсон бўлса, бас, у жисмдир”, деб қиёс қилинади.

وَأَمَّا مِنْ حَمَلِيَّةٍ وَمُنْفَصِلَةٍ كَقَوْلِنَا كُلُّ عَدَدٍ إِمَّا فَرْدٌ أَوْ زَوْجٌ وَكُلُّ زَوْجٍ فَهُوَ مُنْقَسِمٌ بِمُتَسَاوِيَيْنِ يُنتِجُ كُلُّ عَدَدٍ فَهُوَ إِمَّا فَرْدٌ وَإِمَّا مُنْقَسِمٌ بِمُتَسَاوِيَيْنِ.

5. Ҳамлиия ва мунфасиладан ташкил топади. Мисол: “كُلُّ عَدَدٍ إِمَّا فَرْدٌ أَوْ زَوْجٌ وَكُلُّ”
ҳар бир адад жуфт ёки тоқдир ва ҳар бир жуфт тенг икки қисмга бўлинувчидир” демак “كُلُّ عَدَدٍ فَهُوَ إِمَّا فَرْدٌ وَإِمَّا مُنْقَسِمٌ بِمُتَسَاوِيَيْنِ”
ҳар бир адад тоқ ёки тенг икки қисмга бўлинувчидир”, деб қиёс қилинади.

وَأَمَّا مِنْ مُتَّصِلَةٍ وَمُنْفَصِلَةٍ كَقَوْلِنَا كَلَّمَا كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ حَيَوَانٌ وَكُلُّ حَيَوَانٍ فَهُوَ إِمَّا أَبْيَضٌ أَوْ أَسْوَدٌ يُنتِجُ كَلَّمَا كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ إِمَّا أَبْيَضٌ أَوْ أَسْوَدٌ.

6. Муттасила ва мунфасиладан ташкил топади. Мисол: “كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ حَيَوَانٌ”
ҳар қачоники, бу инсон бўлса, бас, у хайвондир ва ҳар бир хайвон оқ ёки қорадир” демак “كَلَّمَا كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ إِمَّا أَبْيَضٌ أَوْ أَسْوَدٌ”
ҳар қачоники, бу инсон бўлса, бас, у оқ ёки қорадир”, деб қиёс қилинади.

وَأَمَّا الْقِيَاسُ الْإِسْتِثْنَائِيُّ - Қиёси истисноий

فَالشَّرْطِيَّةُ الْمَوْضُوعَةُ فِيهِ إِنْ كَانَتْ مُتَّصِلَةً فَاسْتِثْنَاءُ الْمُقَدَّمِ يُنتِجُ عَيْنَ التَّالِي كَقَوْلِنَا إِنْ كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ حَيَوَانٌ لَكِنَّهُ إِنْسَانٌ فَيَكُونُ حَيَوَانًا.

Демак мавзуаи шартийя агар муттасила бўлиб, муқаддам (лекин билан) истисно қилинса, толийнинг ўзини қиёс қилади. Мисол: “إِنْ كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ حَيَوَانٌ لَكِنَّهُ”
агар бу инсон бўлса, демак, у хайвондир, лекин, у инсондир”, демак “فَيَكُونُ”
у хайвондир”.

وَاسْتِثْنَاءُ تَقْيُضُ التَّالِي يُنتِجُ تَقْيُضُ الْمُقَدَّمِ كَقَوْلِنَا إِنْ كَانَ هَذَا إِنْسَانًا فَهُوَ حَيَوَانٌ لَكِنَّهُ لَيْسَ بِحَيَوَانٍ
فَلَا يَكُونُ إِنْسَانًا.

Толийни нақизининг истисноси муқаддамнинг нақизини қиёс қилади.
Мисол: “-агар бу инсон бўлса, бас, у ҳайвондир, лекин, у ҳайвон эмас”, демак “-у инсон эмас”.

وَإِنْ كَانَتْ مُنْفَصِلَةً حَقِيقَةً فَاسْتِثْنَاءُ أَحَدِ الْجُزْئَيْنِ يُنتِجُ تَقْيُضَ الْآخَرِ وَاسْتِثْنَاءُ تَقْيُضُ أَحَدِهِمَا يُنتِجُ
عَيْنَ الْآخَرِ.

Агар мавзуаи шартийя мунфасилаи ҳақиқийя бўлса, иккита жуздан бирининг истисноси бошқасининг нақизини қиёс қилади. Иккаласининг бирининг нақизи бошқасининг ўзини қиёс қилади. Мисол: “ إِنْ كَانَ الْعَدَدُ زَوْجًا فَهُوَ زَوْجٌ -агар саноқ жуфт бўлса, бас, у жуфтдир, лекин, у тоқ эмас”, демак “-у тоқ эмас”.

وَعَلَى هَذَا مَانَعَةُ الْجَمْعِ وَمَانَعَةُ الْخُلُوفِ.

Маниъатул жам ва маниъатул хулув ҳам мана шу қоидага биноан бўлади.

فصل - Фасл

الْبُرْهَانُ وَهُوَ قَوْلٌ مُؤَلَّفٌ مِنْ مُقَدَّمَاتٍ يَقِينِيَّةٍ لِإِنْتِاجِ يَقِينٍ وَالْيَقِينِيَّاتُ أَقْسَامُ سِتَّةٌ.

Бурҳон Яқин (ишонч)ни қиёс қилиш учун яқиний муқаддималардан таркиб топган сўздир. Яқиниётлар олти қисмдир.

أَوَّلِيَّاتُ كَقَوْلِنَا الْوَاحِدُ نَصْفُ الْاِثْنَيْنِ وَالْكُلُّ أَعْظَمُ مِنَ الْجُزْءِ.

1. Аввалиёт. Мисол: “-الوَاحِدُ نِصْفُ الْاِثْنَيْنِ-бир иккининг ярмидир” ва “الْكُلُّ أَعْظَمُ مِنْ الْجُزْءِ-кул жуздан каттадир”.

وَمُشَاهَدَاتٌ نَحْوُ الشَّمْسِ مُشْرِقَةً وَالنَّارِ مُحْرِقَةً.

2. Мушаҳодот. Мисол: “الشَّمْسُ-қуёш ёритувчидир” ва “النَّارُ مُحْرِقَةً” куйдирувчидир”.

وَمُجَرَّبَاتٌ كَقَوْلِنَا السَّقْمُونِيَا مُسْهَلٌ لِلصَّفَرَاءِ.

3. Мужарработ. Мисол: “السَّقْمُونِيَا-сақмуниё (дори) сафро (касаллик)ни енгил қилувчидир”.

وَحَدَسِيَّاتٌ كَقَوْلِنَا نُورُ الْقَمَرِ مُسْتَفَادٌ مِنْ نُورِ الشَّمْسِ.

4. Ҳадисиёт (тахмин билан билинадиган нарсалар). Мисол: “نُورُ الْقَمَرِ مُسْتَفَادٌ مِنْ نُورِ الشَّمْسِ”-ойнинг нури қуёшнинг нуридан фойда олувчидир”.

وَمُتَوَاتِرَاتٌ كَقَوْلِنَا مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ادَّعَى التُّبُوَّةَ وَإِظْهَرَ الْمُعْجَزَاتِ عَلَى يَدِهِ.

5. Мутавотирот¹¹. Мисол: “مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ادَّعَى التُّبُوَّةَ وَإِظْهَرَ الْمُعْجَزَاتِ عَلَى يَدِهِ”-

Аллоҳнинг расулу Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарликни даъво қилдилар ва қўлларига биноан мўъжизаларини зоҳир қилдилар”.

وَقَضَايَا قِيَاسَاتِهَا مَعَهَا كَقَوْلِنَا الرَّبْعَةُ زَوْجٌ بِسَبَبِ وَسْطٍ حَاضِرٍ فِي الدَّهْنِ وَهُوَ الْإِنْتِسَامُ بِمُتَسَاوِيَيْنِ.

6. Қиёси ўзи билан бирга бўлган казийялар. Мисол: “الرَّبْعَةُ-тўрт жуфтдир” зехнда хозир бўлувчи васат сабабли тўрт жуфтдир. У (васат) тенг иккига бўлинишдир. *Шунинг учун ҳам тўрт сўзи айтилса, унинг жуфт экани зехнимизга келади. Шундан сўнг тўртни ҳеч ўйламай жуфт сонга ҳукм қиламиз. Мана шу зехнга келишини «қазийя» -деб аталади.*

¹¹ Мутавотир луғатда “ат-тавотур” калимасидан исми фоил бўлиб, “ат-татабуъ” кетма-кет, узлуксиз, деган маъно ифода қилади. Масалан: “Тавотарал матору” дейилса, “ёмғир тинмасдан ёғди” деган маъно тушунилади. Муҳаддислар истилоҳида эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган биринчи, иккинчи ва учинчи ҳалқа одамлари ёлгон келишувга имкон бермайдиган даражада кўп бўлиши керак. Мисол учун бир ҳадисни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўттиз киши ривоят қилган, худди шу ҳадисни мазкур ўттиз саҳобийдан шу қадар ёки ундан ҳам кўп ададдаги тобеъинлар, улардан эса, худди шунча табаъа-тобеъинлар ривоят қилганлар. Ана ўша ҳадис мутавотир ҳадис, дейилади.

وَالْجَدَلُ وَهُوَ قَوْلُ مُؤَلِّفٍ مِنْ مُقَدِّمَاتٍ مَشْهُورَةٍ.

Жадал – машхур муқаддималардан таркиб топган сўздир.

وَالْخِطَابَةُ وَهُوَ قَوْلٌ مُؤَلَّفٌ مِنْ مُقَدِّمَاتٍ مَقْبُولَةٍ مِنْ شَخْصٍ مُعْتَقَدٍ بِهِ أَوْ مَظْنُونَةٍ.

Хатоба - унга эътиқод ёки гумон қилинувчи кишидан мақбул бўлган муқаддималардан таркиб топган сўздир.

وَالشَّعْرُ وَهُوَ قِيَاسٌ مُؤَلَّفٌ مِنْ مُقَدَّمَاتٍ يَنْبَسُطُ مِنْهَا النَّفْسُ أَوْ يَنْقَبِضُ.

Шеър - уни эшитганда нафс роҳатланадиган ёки сиқиладиган муқаддималардан таркиб топган сўздир.

وَالْمُعَالَطَةُ وَهُوَ قِيَاسُ مُؤَلَّفٍ مِنْ مُقَدَّمَاتٍ شَبِيهَةٍ بِالْحَقِّ أَوْ مَشْهُورَةٍ أَوْ مُقَدَّمَاتٍ وَهَمِيَّةٍ كَاذِبَةٍ.

Муғолата – у ростга ўхшаш (лекин, рост эмас) ёки машхур муқаддималардан ёки ёлғон ваҳмий (гумон) муқаддималардан таркиб топган қиёсдир.

وَالْعُمْدَةُ هِيَ الْبُرْهَانُ لَا غَيْرُ.

Илмлардаги асос бу бурхон (хужжат)дир, бошқаси эмас.

وَلْيَكُنْ هَذَا آخِرَ الرِّسَالَةِ مُتَبَسِّئًا بِحَمْدِ مَنْ لَهُ الْبَدَايَةُ وَالْيَهُ النَّهَايَةُ.

Бошланиши ҳам унғ ниҳояси ҳам унгагина бўлган Зотга ҳамдни лозим
тутган ҳолда бу жой рисоланинг охири бўлсин!

تَمَّ

Тамом!